# МЕБЕЛ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЎРНАТИБ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ № 41

**«20 » май 2022 йил** **Бухоро ш.**

**"JAYHUN" МИЧХК** Устави асосида иш юритувчи директор **Бозорова М.Х.** кейинги ўринларда "Ижрочи" деб номланувчи бир томондан, **Бухоро давлат университетининг Педагогика нститути** Устави асосида иш юритувчи директори **Даминов М.И** кейинги ўринларда "Буюртмачи" номланувчи иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. "Ижрочи" ўзига тегишли бўлган товар(маҳсулот)ни ушбу спецификацияга асосан "Буюртмачи"га мулк сифатида топширишни, "Буюртмачи" эса товар(маҳсулот)ни қабул қилишни ва ушбу шартномада белгиланган муддатларда тўловини амалга ошириш мажбуриятини олади.

| | Мебел махсулотларни ўрнатибетказиб бериш тури | Улч.б | миқдори | нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Шкафы офисные деревянные** (ШКАФ ДЛЯ ТЕЛЕФОНОВ(8000Х900Х180)) | ШТ | 60 | 804 400 | 48 264 000 |
| 2 | **Набор офисной мебели** КАБИНЕТНЫЙ НАБОР ЛМДФ, СТОЛ (2200Х1000Х750), ПРИСТОВКА (1300Х800Х720), ПОТЕЛЕФОНИК (1200Х500Х650), ШКАФ-ГОРКА (2100Х3200Х450) | комп | 1 | 33 020 000 | 33 020 000 |
| 3 | **Набор офисной мебели** БАРЬЕР (2600Х1200Х600Х300) | ШТ | 1 | 2 270 000 | 2 270 000 |
| 4 | **Набор офисной мебели** КАБИНЕТНЫЙ НАБОР. СТОЛ (1800Х800Х750), ПРИСТАВКА (1200Х650Х720), ПОДТЕЛЕФОНИК (800Х400Х600), ТУМБОЧКА (430Х430Х600),ШКАФ ОДЁЖНЫЙ (1900Х800Х400), ШКАФ КНИЖНЫЙ (1900Х800Х400) | комп | 5 | 13 631 292 | 65 090 000 |
| 5 | **Шкаф для одежды деревянный** ШКАФ ОДЁЖНЫЙ (1900Х800Х400) | ШТ | 6 | 2 000 000 | 12 000 000 |
| 6 | **Тумба офисная деревянная** ТУМБА ПОД АКВАРИУМ ЛМДФ (900Х900Х450) | ШТ | 1 | 1 900 000 | 1 900 000 |
| 7 | **Стол офисный** СТОЛ КАРТАТЕЧНЫЙ (1900Х800Х400) | ШТ | 3 | 2 000 000 | 6 000 000 |
| 8 | ШКАФ КАРТАТЕЧНЫЙ (1900Х800Х400) | ШТ | 2 | 1750000 | 3 500 000 |
| 9 | СТОЛ 2-Х ТУМБОВЫЙ (1400Х700Х750) | ШТ | 1 | 1 500 000 | 1 500 000 |
| 10 | **Лабораторная мебель** КУШЕТКА (2000Х600Х550) | ШТ | 1 | 1 300 000 | 1 300 000 |
| 11 | **Набор офисной мебели** ШИРМА (1800Х1600) | ШТ | 1 | 790000 | 790 000 |
| 12 | Лабораторная мебель ШТАТИВ | ШТ | 1 | 390 000 | 390 000 |
| 13 | **Стул на металлическом каркасе** СТУЛ П\МЯГКИЙ | ШТ | 6 | 220 000 | 1 320 000 |
| 14 | СТУЛ ОФИСНЫЙ | ШТ | 30 | 405 000 | 12 150 000 |
| 15 | **Набор офисной мебели** БАРЬЕР (2900Х1500Х1200Х400Х600) | ШТ | 1 | 3 500 000 | 3 500 000 |
| 16 | СТУЛ П\МЯГКИЙ Н-13 | ШТ | 100 | 462 000 | 46 200 000 |
| 17 | СТОЛ ОДНОТУМБЫЙ (1200Х800Х750) | ШТ | 2 | 1 451 000 | 2 902 000 |
| 18 | КРЕСЛО ДЛЯ ПЕРСОНАЛА | ШТ | 5 | 1 700 000 | 8 500 000 |
| 19 | ШКАФ ДЛЯ КЛЮЧЕЙ (2100Х900Х400) | ШТ | 1 | 2 460 000 | 2 460 000 |
| 20 | ШКАФ ДЛЯ КЛЮЧЕЙ (2100Х1000Х250) | ШТ | 1 | 2 000 000 | 2 000 000 |
| 21 | СТОЛ РАБОЧИЙ(1300Х700Х750) | ШТ | 1 | 2 000 000 | 2 000 000 |
| | Жами | | | | **257 056 000** |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар(маҳсулот)ни етказиб бериш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб "30" кун.

## 2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси 20.05.2022 йил лот раками № 84705 булган баённомага ассосан 257 056 000 ( икки юз эллик етти миллион эллик олти минг) сўм деб белгиланди. Бажариладиган ишлар (товар(маҳсулот)ни етказиб бериш) учун олдиндан тўлов миқдори 30 % ни ташкил килади.

2.2. Қолган 70 % фоизлик тўлов шартномани амал қилиш муддати тугаганга қадар тўлиқ амалга оширишилиши шарт.

2.3. Кўрсатилган "Мебел махсулотларни етказиб ва ўрнатиб бериш" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.

## 3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

3.1. "Ижрочи"нинг мажбуриятлари:

3.1.1. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда "Буюртмачи"га ўз вақтида топшириш.

3.1.2. Товар (маҳсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофик келиши керак.

3.1.3. "Ижрочи" товар (маҳсулот)ларни яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги ҳақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.5. "Ижрочи" Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.

3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида "Ижрочи"ни хабардор қилади.

3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

## 4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.

4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.

4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

## 5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ коплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:

5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун "Ижрочи" ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.

5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди.

## 6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

6.1. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

6.2. Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фукаролик кодексига хамда амалдаги конун хужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тўлаган ҳолда муддатидан илгари бекор килиши мумкин.

6.3. Мазкур шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб 2022-йил "____" __________дан 2022-йил "31" декабргача амал қилади. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Бухоро вилоят газначилик бошкармасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради.

## 7. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

7.1. 2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет Кодекси"нинг 122-моддаси хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007-йил 28-февралдаги 594-сонли карорининг 6-бандига асосан бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шартлиги ва факат у амалга оширилгандан кейин кучга кириши назарда тутилган.

## 8. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

8.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида ЎзР. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.

8.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар ЎзР. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан Бухоро туманлараро иқтисодий судида ҳал қилинади.

## 9. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

| **"Ижрочи"** | **"Буюртмачи"** |
|---|---|
| **"JAYXUN" МИЧХК** | **Бухоро давлат университетининг Педагогика институти** |
| *Манзили Ромитан туман Зарафшон кучаси 4уй.* | Манзил: Бухоро шаҳри Придастгир кучаси №2 уй |
| *Тел/факс 97-301-72-28* | Тел./факс 65-226-13-59 |
| *х/р 20208000000414214001* | м/ҳ.в 400910860064017094100079006 |
| *Банк номи: Ҳамкор банк Бухоро ш.* | СТИР 308570734 |
| *МФО 00966* | ОКОНХ |
| *ИНН 201042757* | Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Ғазначилиги |
| | Ғаз./ҳ 23402000300100001010 |
| **Директор** ____________ **М.Х. Бозорова** | Банк номи Марказий банк Тошкент ш.<br>МФО 00014<br>ғазначилик бўлинмаси СТИР 201122919<br><br>**Директор** ____________**М.И Даминов**<br><br>Ҳуқуқшунос ____________ |